



2013 у.г. "30" январ

№ 100-К

Самарқанд t-р Самарқанд

Тумандаги «Кўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Қозиарик» маҳалласида яшовчи фуқаро Тўйчиева Зулхуморга тегишли уй-жойини тўлиқ турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги «Кўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Қозиарик» маҳалласида яшовчи фуқаро Тўйчиева Зулхумор туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, 2012 йил 16 ноябрдаги 3937-сонли олди сотди шартномасига асосан унга тегишли бўлган уй жойини тўлиқ турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Тўйчиева Зулхуморга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Кўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Қозиарик» маҳалласида яшовчи фуқаро Тўйчиева Зулхуморга тегишли умумий 740,49 м.кв. ер майдонида жойлашган, қурилиш тагидаги ер майдони 403,16 м.кв. дан иборат уй-жойи тўлиқ савдо дўкони сифатида фойдаланиши учун нотурар жой тоифасига ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Кўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини (Б.Қўзиёв)ларга фуқаро Тўйчиева Зулхуморга тегишли уй-жойни тўлиқ нотурар жой тоифаси (савдо дўкони)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Тўйчиева Зулхумор зиммасига: а) савдо дўконнинг ташқи кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.С.Садуллаев